ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00462

ХИТОЙ ТИЛИДА ИНВЕРСИЯ ҲОДИСАСИ ВА 把 “BĂ” ОЛД КЎМАКЧИСИ

Зиёда Зайнитдиновна Артикова
Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси,
ziyda78@mail.ru

АННОТАЦИЯ

把 “bă” ли гап хитой тилидаги кўп учрайдиган, тузилиши ўзига хос бўлган гаплардандир. Хитой тилида тўлдирувчининг икки хил жой ўзгартириш услуби бор. Биринчиси, ҳеч қандай грамматик воситаларсиз биринчи позицияни эгаллаш бўлса, иккинчиси эса, эга билан кесим орасидаги позицияни эгаллаш, яъни инверсия ҳодисаси содир бўлади, лекин бунинг учун ёрдамчи грамматик восита керак бўлади. Ёрдамчи грамматик восита вазифасини 把 “bă” олд кўмакчиси бажаради. Ишимизда кўриб чиқадиган масаламиз ҳам 把 “bă” олд кўмакчисининг ўзидан кейин турувчи тўлдирувчига нисбатан қўйиладиган талабларини очиб бериш.

Калит сўзлар:, Инверсия, тўлдирувчи, грамматик восита, ёрдамчи сўз туркуми, 把 “bă” олд кўмакчиси, сўзларнинг гапдаги тартиби, контекст.

INVERSION IN CHINESE LANGUAGE AND 把 “BĂ” PREPOSITION

Ziyoda Zaynitdinovna Artikova
Teacher, Tashkent state university of oriental studies,
ziyda78@mail.ru

ABSRACT

The sentence with 把 “bă” a is one of the most common sentences with a peculiar structure. Chinese language has two methods for changing the place of the object. If first is the location at the first position without grammatical means, then the second is the location at the position between the subject and the verb, which is what grammatical means are required for. The 把 “bă” preposition serves as an auxiliary means. The task considered in our work is to disclose the requirements for the object situated after the 把 “bă” preposition.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00462

Keywords: Inversion, complement, grammatical means, auxiliary part of speech, 把 “bǎ” preposition, composition of the sentence, context.

КИРИШ

Инверсия грамматик ҳодиса бўлиши билан бирга грамматик-стилистик ҳодиса ҳам бўлиши мумкин. [1] Замонавий хитой адабий тилининг айрим функционал услубида, масалан, публистик ва илмий-техник кўринишдаги асарларда, айрим ҳолларда, адабий-бадиий нутқда ҳам, бошқа воситалар ёрдамида стилистик вазифани бажарувчи гап бўлакларининг тескари тузилиш тартибини ҳам учратиш мумкин. Бу турдаги синтактик тузилишлардан ташкил топган бўлакларнинг тескари жойлашиш тартиби, одатда, гапни эмоционал-мантиқий кўрсатиш учун ишлатилади.

Хитой муаллифларининг стилистика бўйича қилинган ишларида, инверсияни одатда 倒装 ёки 倒装式 дейилади. [1] Рус хитойшунос олими Горелов ўзининг “Стилистика современного китайского языка” китобида синтактик воситалардан бири бўлган сўзларнинг одатий қайд қилиш тартибини, хитой тили грамматикаси тизимида муҳим ўрин эгаллашини айтиб ўтган. Хитой тилидаги гап бўлаклари одатда морфологияга оид бўлмаган воситалар билан ифодаланади. Сўзнинг синтактик вазифаси, яъни уни гап бўлаги сифатида бўлиниши, қисман, гап таркибида сўзнинг жойлашган ўрнига қараб белгиланади. Хитой тилидаги сўз тартиби бошқа тилларга нисбатан янада грамматикалаштирилган.

Ўзбек хитойшунослиги вакили А. Каримовнинг “Хитой тилида ҳисоб сўзлар” (Лексик-семантик, структур ва функционал) китобида 把 “ba” иероглифига алоҳида боб ажратилган. Унда кўрсатилишича, 把 “ba” иероглифи икки хил талаффузга эга: 把 “bǎ” ва 把 “bà”, яъни учинчи ва тўртинчи оҳангларда талаффуз қилинади. Бу ерда оҳанг маъно ажратувчи восита бўлиб хизмат қилади. 把 “bǎ” иероглифи учинчи оҳангда талаффуз қилинса - “ушламоқ” ва яна бир қанча маъноларни билдиради, тўртинчи оҳангда талаффуз қилинса фақат “даста” деган маънони англатади. [2] Олим фикрича, агарда 把 “bǎ” ни чуқурроқ ўргансак, шу битта иероглиф билан ёзилиб ва учинчи оҳангда талаффуз қилинадиган бир қанча ҳар хил маъноларни англатувчи сўзларга дуч келамиз. Масалан: “ушламоқ”, “қўлга киритмоқ”, “тўсмоқ” (болани), “бириктириб қўймоқ” (мустаҳкамламоқ), “қўриқламоқ”, (феъл сўз туркумига мансуб), “боғ”, “боғлам”, “сиқим”, “мартта” (ҳисоб сўзи), “тахминан” (равиш), ва инверсия учун олд кўмакчи (хизмат қилувчи сўз).

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00462

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ушбу мақоламизда биз 把 “bǎ” ни хизмат қилувчи сўз - олд кўмакчи сифатида ўрганамиз. Мисол учун: 把 水 喝 干 了。- “Bǎ shuǐ hēgānle”. - *“Сувни, ичиб тугатди”* гапи 喝 干 了 水。- “Hēgānle shuǐ”. - *“Сувни ичиб тугатди”* гапининг инверсия ҳолати. Ҳозир келтирилган мисолдаги 把 “bǎ” *“қўлда ушламоқ, олмоқ”* деган маъноларни англатмайди. Аммо бу икки гап тузилиши маъно жиҳатдан бир хил эмас. 喝 干 了 水。- “hēgānle shuǐ”. - *“Сувни ичиб тугатди”* гапи шунчаки бир факт тўғрисида маълумот берса, 把 水 喝 干 了 – “Bǎ shuǐ hēgānle” - *“сувни, ичиб тугатди”* гапида инсон айнан сувни ичиб тугатганига ишора қиляпти. Ишимизда кўриб чиқадиган масаламиз ҳам 把 “bǎ” олд кўмакчисининг ўзидан кейин турувчи тўлдирувчига нисбатан қўйиладиган талабларини очиб бериш. Мазкур ишда биз тизим ва ҳодисаларнинг ички тузилишини ва қонунларининг рўёбга ошиш қоидаларини очиб берадиган, уларнинг ўзаро таъсирини ва боғланишларини тушунтириб берадиган назариядан фойдаландик. Тадқиқ этиш жараёнида эмпирик усуллардан, таърифлаш ва таққослаш методларига ҳам мурожаат этдик.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

把 “bǎ” ли гап хитой тилидаги кўп учрайдиган, тузилиши ўзига хос бўлган гаплардандир. Хитой тилида тўлдирувчининг икки хил жой ўзгартириш услуби бор. Биринчиси, ҳеч қандай грамматик воситаларсиз биринчи позицияни эгаллашдир. Масалан: 这 件 事 他 把 在 手 中..... – “Zhèjiànshì tā bǎ zài shǒuzhōng”. - *“Бу ишларни у ўз қўлида ушлаб турибди”.* Бу мисолда биринчи ўринда тўлдирувчи турибди, албатта, бу асосий қоидага тўғри келмаса-да, лекин бу кўп учрайдиган ҳол, мақсад тўлдирувчига эътиборни жалб этиш. Келтирилган мисолда тўлдирувчи (这 件 事 – “zhèjiànshì” – “*бу ишларни”*) дан кейин эга (他 – “tā” – “*у”*) жойлашган, ундан кейин эса 把 “bǎ” олд кўмакчиси турибди. Агар 把 “bǎ” гапда эгадан кейин келиб, кесим вазифасини бажарса, унда у феълларга мансуб сўздир. Демак, бу мисолда 把 “bǎ” феълларга мансуб сўз бўлади. Иккинчиси эса, эга билан кесим орасидаги позицияни эгаллаш, лекин бунинг учун ёрдамчи грамматик восита керак бўлади. [2] Ёрдамчи грамматик восита вазифасини 把 “bǎ” олд кўмакчиси бажаради ва 把 “bǎ”ли гапнинг тузилиши қуйидагича бўлади: “Эга + 把 + тўлдирувчи + кесим”.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00462

Масалан: 他 从 自 己 的 座 位 上 把 拎 包 拿 起 来。- “Tā cóng zìjǐde zuòwèishàng bǎ kuàbāo náqǐlái”. – “У ўзининг ўтирган жойидан сумкасини олди.” （拿 拎 包 – “ná kuàbāo” – “сумкани олмоқ”, 拿 - феъл, 拎 包 – тўлдирувчи）.

把 “bǎ” олд кўмакчисининг ўзидан кейин турувчи тўлдирувчига нисбатан ўзига хос бир қанча талаблари бор. Хусусан, 把 “bǎ” ли гапларда 把 “bǎ” олд кўмакчисидан кейин турувчи тўлдирувчи жуда ҳам муҳим ўринни эгаллайди, агар бу тўлдирувчи бўлмаганда 把 “bǎ” ли гап ҳам бўлмасди, дейишимиз мумкин. 把 “bǎ” олд кўмакчисидан кейин жойлашган тўлдирувчи от сўз туркуми билан ифодаланади, баъзи ҳолларда феъл ёки феълли бирикма билан ҳам ифодаланиши мумкин. [3] Масалан:

1. 昨 天 他 把 自 行 车 丢 了。- “Zuótiān tā bǎ zìxíngchē diūle”. - *“Кеча у велосипедини йўқотиб қўйди”* гапида 把 “bǎ”дан кейин келган 自 行 车 – “zìxíngchē” - *“велосипед”* сўзи от сўз туркуми билан ифодаланган.

2.今 年 夏 天，他 把 游 泳 学 会 了。Jīnnián xiàtiān，tā bǎ yóuyǒng xuéhuìle. *“Бу йилги ёзда у сузишни ўрганиб олди”* гапидаги 把 bǎ дан кейин келган 游泳 yóuyǒng *“сузмоқ”* феъл сўз туркумига мансуб сўз.

3. 他 们 把 受 伤 的 战 士 送 到 医 院 里。 - “Tāmen bǎ shòushāngde zhànshì sòngdào yīyuàn lǐ”. - *“Улар жароҳат олган аскарларни шифохонага кузатиб қўйдилар”.* Бу гапимизда эса 把 “bǎ”дан кейин келган сўз бирикмаси 受 伤 的 战 士 – “shòushāngde zhànshì” - *“жароҳат олган аскарларни”* аниқловчи ва аниқланмишдан иборат бўлган бирикма билан ифодаланган.

Баъзида 把 “bǎ” ли гапда 把 “bǎ” дан кейин турувчи тўлдирувчи контексдаги аввалги гапларнинг охирида пайдо бўлиши ёки эшитаётган шахсга маълум бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолатда, кўпинча, 把 “bǎ”дан кейин жойлашган тўлдирувчига эшитаётган шахсга тушунарли бўладиган сўз қўшиш талаб қилинади. Масалан:

我 把 一 些 英 语 句 子 翻 译 成 汉 语 了。- “Wǒ bǎ yìxiē yīngyǔ jùzi fānyìchéng hànyǔle. - *“Мен бир қанча инглиз тилидаги гапларни хитой тилига таржима қилдим”.* Бизга маълумки, 把 “bǎ” ли гапларда 把 “bǎ” дан кейин турувчи тўлдирувчи ноаниқ миқдорни ифодалаши керак эмас. Бу гапдаги 一 些 – “yì xiē” - миқдорий бирикма ноаниқ миқдорни билдиради, шунинг учун уни 把 bǎ ёрдамида инверсия бўлувчи сўзга нисбатан аниқловчисиз қўллаб

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00462

бўлмайди, бу ердаги ноаниқ миқдорни ифодаловчи 一些句子 – “yìxiē jùzi” - *“бир қанча гаплар”* нинг эшитаётган одамга аниқлаштириб кўрсатиш учун 英语 – “yīngyǔ” - *“инглиз тили”* сўзи қўшиб олинган: 把一些英语句子 – “bǎ yìxiē yīngyǔ jùzi”. - *“бир қанча инглиз тилидаги гаплар”.*

Гоҳида 把 “bǎ” дан кейин турувчи тўлдирувчи битта предметнинг тури ёки мавҳум бир предмет бўлиши ҳам мумкин, лекин бундай ҳолларда ҳам эшитаётган одамга тушунарли бўлиши мумкин. Масалан:

这是个自动售报机，只要你把钱放进这个眼里，报纸就从另一边出来了。- “Zhèshì gè zìdòng shòubàojī，zhǐyào nǐ bǎ qián fàngjìn zhège yǎnlǐ，bàozhǐ jiù cóng lìng yìbiān chūláile”. - *“Бу газета чиқарувчи автомат, мана бу тешикка пулни ташлашинг биланоқ, бошқа бир томондан газета чиқиб келади”.* Мураккаб қўшма гапнинг биринчи қисмида 自动售报机 - “zìdòng shòubàojī” - *“газета чиқарувчи автомат”* сўзи, мураккаб қўшма гапнинг иккинчи қисмида 把 “bǎ” дан кейин жойлашган 钱 - “qián” - *“пул”* сўзига урғу беради, яъни *“газета чиқарувчи автоматга пул ташланса”* мазмунида ифодаланади, шунинг учун ҳам тингловчига тушунарли бўлади. Ушбу гапда 把 “bǎ” дан кейин келган тўлдирувчи битта предметнинг тури бўлиб келган.

ХУЛОСА

Юқорида айтиб ўтилганлардан келиб чиққан ҳолда хулоса қилиш мумкинки:

1) Инверсия грамматик ҳодиса бўлиши билан бирга грамматик-стилистик ҳодиса ҳам бўлиб келади.

2) Бундай гапларда тўлдирувчининг икки хил жой ўзгартириш услублари бор. Биринчиси, биринчи позицияни эгаллаш бўлиб, бунга ҳеч қандай грамматик воситалар керак бўлмайди. Иккинчиси эса, иккинчи позицияни, яъни эга билан кесим орасидаги позицияни эгаллаш, лекин бунинг учун ёрдамчи грамматик восита керак бўлади. Ёрдамчи грамматик восита вазифасини 把 “bǎ” олд кўмакчиси бажаради ва 把 “bǎ” ли гапнинг асосий конструкцияси шундай бўлади: “Эга + 把 + тўлдирувчи + кесим”.

3) 把 “bǎ” ли гаплардаги инверсия ҳолатида 把 “bǎ” олд кўмакчисидан кейин турувчи тўлдирувчига қўйиладиган ўзига хос талаблар бор.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00462

Биринчиси, 把 “bǎ” олд кўмакчисидан кейин турувчи тўлдирувчи от сўз туркумидан ифодаланади, баъзи ҳолларда феъл ёки феълли бирикмалари билан ҳам ифодаланади.

Иккинчиси, 把 “bǎ” ли гапларда кесим вазифасини бажараётган феъл доимо 把 “bǎ” дан кейин жойлашган тўлдирувчига қаратилган бўлади. Шунинг учун 把 “bǎ” дан кейин жойлашган тўлдирувчи эшитаётган одам учун аниқ бўлиши керак. Бундай гапларда 把 “bǎ” иероглифидан кейин предметни ифодалаб келадиган тўлдирувчи кўпинча аниқ қилиб гапнинг аввалги қисмларида кўрсатилиши ёки контекст билан таъминланиши керак.

Учинчиси, баъзида 把 “bǎ”ли гапларда олд кўмакчидан кейин турувчи тўлдирувчи контексдаги аввалги гапларнинг охирида пайдо бўлиши ёки эшитаётган шахсга маълум бўлмаслиги мумкин, бундай ҳолатда, кўпинча, 把 “bǎ”дан кейин жойлашган тўлдирувчига эшитаётган шахсга тушунарли бўладиган сўз қўшиш талаб қилинади.

Тўртинчиси, айрим ҳолларда, 把 “bǎ”дан кейин турувчи тўлдирувчи “一个 yígè *битта*” сон ҳисоб сўзли бирикмани ҳам ўз ичига олади. Эшитаётган шахсга келсак, у аниқланаётган предметни эмас, балки янги бир маълумотни билиб олади ва тўлдирувчи ҳам эшитаётган шахс учун тушуна оладиган аниқ кўрсатилган нарса бўлади.

Бешинчиси, гоҳида 把 “bǎ”дан кейин турувчи тўлдирувчи битта предметнинг тури ёки мавҳум бир предметни англатиши ҳам мумкин, лекин бундай ҳолларда ҳам эшитаётган одамга тушунарли бўлиши учун предметни номи киритилиши ёки бирон бир жумла орқали аниқлаштирилиб кўрсатилиши керак.

Юқорида биз хитой тилидаги инверсия ҳодисасини 把 “bǎ” олд кўмакчиси ёрдамида амалга ошиш масаласини кўриб чиқдик. Инверсияга учрайдиган тўлдирувчининг ҳолати ҳам ўрганилди. Лекин бу хитой тилидаги инверсия ходисасини бир кўринишидир, шу сабабли мавзу долзарб бўлиб, изланишларни давом эттирилишини талаб этади.

REFERENCES

1. Горелов В.И. Стилистика современного китайского языка. [Modern chinese stylistics], Москва, 1979. 58-б.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00462

2. Каримов А.А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар. [Лекси семантик, структурал ва функционал таҳлили] 汉 语 量 词. Hanyu liangci [Chinese quantifiers], Тошкент, 2003, 100-102б.
3. 刘 月 华。实 用 现 代 汉 语 语 法。 北 京, 2004 年。
Liu Yuehua. Shiyong xiandai hanyu yufa [Practica modern Chinese grammar], Beijing, 2004, 733-б.
4. Ўзбекистон миллий энқиклопедияси, [Uzbek natoinal encyclopedia], 4-жилд, Тошкент, 2002.
5. 王 力。 中 国 现 代 语 法。北 京, Пекин, 1985 年. 82-б.
Vanli. Zhongguo xiandai yufa [Chinese modern grammar], Beijing, 1985.
6. Ван Ляои. Основы китайской грамматики. [Basics of chinese grammar], Москва, 1954. 120-б.
7. Драгунов А.А. Исследование по грамматике современного китайского языка. [Grammar study in modern Chinese], Москва, 1952. 119-б.
8. Горелов В.И. Теоретическая грамматика китайского языка. [Chinese grammar], Москва, 1974. 73-б.
9. 李 德 律，金 德 厚。 外 国 人 实 用 汉 语 语 法。北 京， 2008 年。
Li Delui., Jin Dehou. Waiguoren shiyong hanyu yufa [Practical Chinese garammar for foreigners], Beijing, 2008. 461-б.
10. 张伯江。说把字句, 上海。
Zhang Bojiang. Shuo baziju, Shanxay, [The sentence with 把 “bǎ”], Шанхай, 2019, 6-б.